

ЧЭИИ “Toshkentvino kombinati” АЖ акциядорлари диққатига!

Чет эл инвестицияси иштирокидаги “Тошкентвино комбинати” акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг 2023 йил 05 майдаги қарорига асосан Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши 2023 йил 26 июнь куни, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Навоий шоҳ кўчаси, 9-уйда жойлашган Жамият мажлислар залида ўтказилади.

Йиғилиш соат 15:00 да бошланади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 14:00 дан бошланади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 14:50 да тугатилади.

Йиғилиш кун тартиби

1.Жамият кузатув кенгашининг 2022 йилда амалга оширилган ишлари ҳисоботини тасдиқлаш.

2.Жамият ижроия органининг 2022 йил якунлари бўйича молиявий-хўжалик фаолияти ва бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилиши бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.

3.Жамият молиявий-хўжалик фаолиятининг 2022 йил якунлари бўйича ташқи аудиторлик текшируви ҳулосасини эшитиш.

4.Жамиятнинг 2022 йил якунлари бўйича соф фойда тақсимоти, дивидендларни тўлаш шакли, миқдори ва тартибини белгилаш.

5.Жамиятнинг 2023 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.

6.Жамиятнинг янги таҳриридаги уставини тасдиқлаш тўғрисида.

7.Жамият акциядорлари томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивидендларни жамият фойдасига олиш.

8.Жамиятнинг 2023 йил молиявий хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш.

9.Жамият ижроия органи томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда иловага мувофиқ, мустақил равишда аффилиланган шахслар билан битимни (битимларни) тузишни маъқуллаш.

Йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2023 йил 21 июнь ҳолатига кўра тузилади.

Акциядорлар паспорт ёки акциядорлар вакиллари ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончномалар билан келишлари сўралади.

Умумий йиғилишга тайёргарлик кўриш учун акциядорлар йиғилиш материалларидан йиғилиш санасидан уч кун олдин ариза бериш йўли билан Жамият маъмурий биносида 2023 йил 20 июн куни соат 14:00 дан 16:00 гача танишишлари мумкин.

Электрон почта манзил: tashvino@mail.ru

Телефон: 71-205-54-45.